

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA
VAZIRLIGINING MARKAZII MATBUOT
ORGANI

● 2004 йил, 21 октябрь, пайшанба № 126 (2014).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН
МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКISTAN

● Четверг, 21 октября, 2004 г. № 126 (2014).
Газета издается с 24 июня 1992 г.
● В розницу — цена свободная.

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 20 октябрь кунин Оқсаройда НАТО Бош котиби Яап де Хооп Схефферни қабул қилди.

Мамлакатимиз Президенти меҳмонни ушбу ташкилотга раҳбар бўлгани билан қўтлар экан, Ўзбекистон НАТО билан ҳамкорликка муҳим аҳамият беришини таъкидлади.

«Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги ҳамкорлик айнасида алоҳида аҳамиятга эга, — деди Ислам Каримов. — Ўзбекистон НАТО билан муносабатларини қадрлайди ва ўзаро

ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдори.

Мамлакатимизнинг ушбу халқаро ташкилот билан муносабатлари фақат ҳарбий соҳани ривожлантириш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорлик билан чекланмайди. Фан-таълим, иқтисодий каби соҳалар, шунингдек, табиий офатларнинг олдини олиш бўйича НАТО мутахассислари билан маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда, тадқиқотчилар ўзаро тажриба алмашмоқда. Биргалликдаги машқлар ўтказилмоқда, альянсининг махсус ўқув курсларида Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ва-

киллари малака ошириб, жанговар тайёргарлигини тақомиллаштирмоқда.


Мамлакатимизда ҳарбий ислохотларни амалга оширишда, ўқув марказлари ташкил этишда, халқаро террорчиликка қарши курашда Ўзбекистон НАТО билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Яап де Хооп Схеффер самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Мамлакатимиз билан НАТО ҳамкорлигини ривожлантириш икки томон учун ҳам манфаатли эканлигини қайд этди.

Оқсаройдаги учрашувда ана шу масалалар ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

СИНОВ МАШҒУЛОТЛАРИ АВЖИДА



Самарқандлик оддий аскар Зокир Назаров ҳарбий жамоада доимо илғорлар сафида сапалади. Ўқини вазирасида хизмат қилаётган йигит яқиний синов машғулотларини ҳам «аъло» ва «яхши» баҳоларга тоширди. Зукко, эңчил посбон ўзининг намунали хизмати туфайли қисм командири томонидан 10 кунга қисқа муддатли таътил билан тақдирланди. Зокир ота-онасининг бағрида дам олиб қайтадиган бўлди.

А. МРУЧАК суратга олган.

НАТО бош котиби Ўзбекистонда

НАТО бош котиби Яап де Хооп Схеффер Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида бўлди.

Мамлакатимиз ташқи сиёсат мақамаси раҳбари Соҳиб Сафоев билан учрашувда Ўзбекистон ва НАТО ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари-

нинг бугунги аҳволи ва истиқбол музокаранинг бош мавзуси бўлди. Мулоқот чоғида, шунингдек, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Шу кунин меҳмон Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан

учрашди. Ҳамкорликни янада ривожлантириш, биргалликда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва халқаро террорчиликка қарши курашишга онд масалалар муҳокама этилди.

(ЎзА).

Навойи вилояти пахтакорларига, барча меҳнаткашларига

Азиз дўстлар! Авваламбор сизларни 110 миң тонналик пахта хирмони барпо этиб, шартнома режасини ошириб бажарганингиз билан чин қалбимдан қизгин табриқлайман.

Ҳеч шубҳасиз, қўлга киритилган бу ютуқ бутун вилоят аҳлининг катта меҳнати, ҳамжихатлиги, ташаббус ва интилошларининг, ишга янгича муносабатнинг амалий натижасидир.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлиши пахтачилик соҳаси деҳқондан қанчалик фидокорона меҳнат, билим ва тажриба, омилкорлик талаб қилишини барчамиз яхши тушунамиз.

Айниқса, Навойи вилоятининг мураккаб иқлим шароитида — Қизилқум саҳросига туташиб кетган ерларда юксак деҳқончилик маҳорати ва миришкорлик ҳисобидангина мўл ҳосил етиштириш мумкин. Шу маънода, сизларнинг эришган бу меҳнат зафарингиз алоҳида эътиборга сазовор.

Шунинг таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ҳаётимиздан тобора чуқур ўрин олиб бораётган ислохотлар аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун, деган тамойил бутун юртимиз қатори Навойи вилоятида ҳам ўз тасдиғини топмоқда, деҳқонларимизнинг ерга, мулкка, етиштирилган ҳосил ва олинган даромадга эғаллик

туйғуси янада кучайиб бормоқда.

Нобис ер ости ва ер усти бойлиқларига эга бўлган Навойи заминининг иқболли ва истиқболлини ўз қўли билан яратётган сиз азизлар, вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий тараққиети йўлида бундан буён ҳам куч-гайратингизни аямасизлар, деб ишонаман.

Сизларни эришган меҳнат ғалабангиз билан яна бир бор қўтлаб, ана шу эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда барчангизга ҳамisha янги ютуқлар, бахт ва омад ҳамроҳ бўлишини тилайман.

Ислам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

БУГУН — ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАН КУН

ОНАМ АЛЛА АЙТГАН ЗАБОНСАН

Дунёда тиллар, шева-диалектлар, шевалар кўп. Маълум бўлишича, тахминан 5621 тил ва шева бор экан. Яна шунинг айтиши мумкинки, ҳар уч тилдан биттаси ўзув шаклига эга эмас. Яъни, оғзаки нутқ формасида ишлатилади. Балки шу сабабдан ҳам уларнинг 1400 таси йўқолиб кетиш хавфи остида. Кичкина бир қабла бўладими, элат бўладими,

барига ўз она тили қадрли. Бу юк бобоклонимиз Алишер Навойи ижод қилган, ноҳадир асарлар яратган туркий тилимиз неча-неча асрларки, сайқаллашиб бормоқда. Тўғри, маънавий-тимиш, қадриятларимиз билан бир қаторда тилимизга ҳам «хужум»лар бўлган. Аммо миллат тилини, демакки ўз-динини сақлаб келмоқда, Тил ҳақида гап кетганда, севишли

шюиримиз Абдулла Ориповнинг қуйидаги мисралари халдан ўтаверади:

«Она тилим сен борсан
шаксиз,
Булбул куйин шеърга
соламан,
Сен йўқолган куйинг
шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб
қоламан».

(Давоми 7-бетда).

САФАРДАГИ ДУРАНГ

Қитъамиздаги футбол клубларининг энг нуфузли мусобақаси — Осиё чемпионлар лигаси ярим финалига йўллаган олган тўрт жамоа финалга чиқиш учун дастлабки учрашувларни ўтказди,

Ўзбекистон чемпиони — Пахтакор футболчилари ярим финали «Сеннам Илва Чунма» (Жапубий Корея) жамоасига қарши рақиб майдонида ўтказди.

Учрашувда ҳар иккала жамоа ҳам хужумкор футбол

кўрсатган бўлса-да, дарвозани ишғол қилиш ҳеч кимга насиб қилмади. Ҳаётини 0:0 ҳисобида якунланди. 27 октябрь кунин «Пахтакор» рақибини ўз майдонида қабул қилади ва ана шу ўйин финалчини аниқлаб беради.

Ўз мухбиримиз.

ЯКУНИЙ СИНОВ МАШҒУЛОТЛАРИ

ИЛК НАТИЖАЛАР

Майор Шокиржон Дусқонов командирлигидаги қисмдаимиз. Ҳарбий жамоада Ёзги ўқув мавсуми якуний синов имтиҳонларининг иккинчи босқичи кўтаринки руҳда бошланди. Синов натижалари округ қўмондонининг биринчи ўринбосари — штаб бошлиғи полковник Алексей Косьяненко бошчилигидаги комиссия аъзолари томонидан баҳолаб берилди. Шунингдек, ушбу

ўзига хос ҳаяжонли дақиқаларни ёритиш учун маҳаллий телевидение ва газета муҳбирлари ташриф буюришди.

Ҳарбий оркестр садолари остида бошланган саф кўриги байрамона тарзда ҳарбийларимизнинг салоҳиятини юзга чиқарувчи шижоат билан амалга оширилди. Саф тайёргарлигида эса ҳар бир взвод синов имтиҳонларига

(Давоми 2-бетда).

ВЕСТИ С ИТОВОВОЙ ПРОВЕРКИ

Достойный подарок

Накануне сдачи итоговой проверки в жизни недавнего выпускника Чирчикского ВТКУИ командира взвода офицера Олима Муродова произошло довольно знаменательное событие — повышение в звании.

С присвоением воинского звания старший лейтенант его тепло поздравили командование, сослуживцы, не остались в стороне и подчиненные — в качестве подарка командиру они обязались продемонстрировать только отличные показатели на итоговых занятиях. Слова военнослужащих по контракту, а

именно из них составлено данное подразделение, не расходятся с делами. Многие из них в свое время получили хорошую базовую подготовку в стенах школ подготовки сержантов и теперь умело применяют на практике приобретенные знания.

Результаты первых дней проверки впечатляют. Подавляющее большинство личного состава, к примеру, безукоризненно справились с нормативами физической подготовки, особенно блеснули

(Окончание на 2-й стр.).

ИЛК НАТИЖАЛАР

(Давоми, Боши 1-бетда).

қай даражада тайёргарлик кўрганликларини намоён этишга ҳаракат қилишди. Сипов якунига келиб катта лейтенант Жасур Жамолов бошчилигидаги взвод посбонлари — шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Ойбек Чориев, Сайриддин Одинаев, Баходир Турсунов, капитан Шухрат Абдураимов командирлигидаги алоқачилар взводи шунқорлари — сепция командири шартнома бўйича хизмат кичик сержант Вали Халилов, шартнома бўйича хизмат кичик сержант Искандар Соатов ҳамда танкчилар взводи етакчиси катта лейтенант Зафар Аҳмедов қўл остида-

ги шартнома бўйича хизмат кичик сержант Бахтиёр Пардаев, шартнома бўйича хизмат оддий аскар Аваз Маматалиев ва оддий аскар Шерали Ходиев каби посбонлар «аъло» баҳога сазовор бўлишди. Натижада, юқоридида таъкидлаб ўтилган взводлар қисм бўйича саф тайёргарликда етакчилиги қўлга киритишиб, барчанинг олқишига сазовор бўлишди.

Умумҳарбий низомлар бўйича савол-жавобларда ҳарбий жамоа посбонларининг тайёргарлиги яхши баҳоланди. Шунингдек, тиббий хизмат майори Жўрабек Исмонлов бошчилик қилаётган тиббий хизматчиларнинг сипов кўриги натижалари ко-

миссия аъзолари томонидан «талаб даражасида», дея эътироф этилди.

Куннинг иккинчи ярмида бошланган жисмоний тайёргарлик сиповларида ҳарбий хизматчилар ўз имкониятларини юзага чиқаришга астойдил ҳаракат қилишди. 100 метрга югуриш мусобақаларида кичик сержант Муҳиддин Элмуродов маррага 12,6 секундда келган бўлса, кичик сержант Сайриддин Одинаев 12,10 секундда маррани ишғол қилди. Маълум бўлишича, йигитларнинг ҳар иккиси ҳам бу йил Қуролли Кучларимизда ўтказилган I Умумармия спорт ўйинларида фаол иштирок этишган экан.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Термиз гарнизони.
(Факс орқали).

Аълочилар кўпаймади, гуруҳ олдинда

Агар баҳорги кўрсаткичлар билан таққослаб қарайдиган бўлсак, якуний сипов машғулотлари давомида бўлинмадаги аълочилар сони ошгани йўқ, қайтага камайди. Энг илғор дея ҳисобланиб келинган оддий аскарлар — Шавкат Отамирзаев ва Қобил Тўхтабоевлар ижтимоий-сиёсий ва махсус тайёргарликлар бўйича кўнгилдагидек қатнаша олмай «тўрт» баҳо олишди. Бунга «Менга юзда қийин савол тушувди», «Текширувчи офицер роса талабчан экан» деган сабаблар кўрсатилди. Шундай бўлса-да сипов-имтиҳонлар давомида гуруҳ командири шартнома бўйича хизмат кичик сержант Сарвар Иноятов умумий натижаларнинг пасайиб кетишидан хавотирга тушгани йўқ. Қайтага, бақир-чақир қилмасдан «Бўш келмагилар, яхши қатнаша-ялмиз, бўлинмадаги ҳали олдинга ўтиб олади» дея қўл остидаги посбонларга далда бериб турди у. Ҳақиқатдан шундай бўлди ҳам. Шу кунгача гуруҳлар орасида туртинчи ўрнида келаётган жамоа бирданига иккинчи ўринга чиқиб олди. Хўш, қандай қилиб гуруҳ олдинга ўтиб олади, ахир аълочилар сони камайган экан-ку, дей-

шингиз мумкин, Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор. Келинг буни гуруҳ командирининг ўзи изоҳлаб бера қолсин.

— Умумий натижаларимиз яхшиланишида ҳеч қанақа сир йўқ, — дейди кичик сержант С. Иноятов кулимсираб. — Эзги ўқув мавсуми машғулотлари бошлангандаёқ биз барча тайёргарликлар бўйича қолоқлар сонини кескин камайтиришни режалаштириб олган эдик. Шунинг учун ҳам олий маълумотли, юксак касбий тайёргарликка эга посбонларни қолоқларга бириктириб қўйдик. Уларга янсабатан талабни кучайтирдик. Мана, натижани кўриб турибсиз. Баҳорги сипов-имтиҳонларда кўнгилдагидек қатнашолмай жамоага панд берган аскарлар — Карим Сувонов, Чори Қурбонов, Шухрат Полвонов каби посбонлар бу гал барча тайёргарликлар бўйича «тўрт» баҳо олишиб, ўзларини ҳам, сафдошларини ҳам мамнун этинди, жамоанинг илгорлигини таъминлашди. Энг муҳими, улар ўз имкониятлари катта эканлигига ишондилар. Демак, навбатдаги сиповларда янада катта ютуқларни қўлга киритамиз деб ўйлайман.

Майор Н. АЗИМОВ.

ДОСТОЙНИЙ ПОДАРОК

(Оқончаник. Начало на 1-й стр.).

слаженностью действий, отменной закалкой и выносливостью контрактники на трехкилометровой дистанции кросса — и финишу они пришли, опередив даже время, соответствующее отличной оценке. Как всегда, тои здесь задавали младшие сержанты Е. Бекманов, К. Ганшов, Х. Рустамов, М. Хашимов.

Это, прежде всего, результат регулярных попутных тренировок в ходе полевых занятий, а так же увлечения большинства военнослужащих по контракту различными видами спорта. И того, что в подразделении уделяют много внимания развитию таких качеств, как сила, ловкость и выносливость, необходимых для успешного выполнения учебно-боевых задач.

Лестно охарактеризовал проверяющий майор Ф. Маматкулов знания и практические навыки десантников, продемонстрированные ими и на занятии по защите от оружия массового поражения. Боины умело пользовались приборами химической разведки, средствами защиты, за что и были удостоены высоких оценок. А наиболее весомый вклад в успех подразделения на этом отрезке проверки показали младшие сержанты Ш. Дехканов, О. Мирзаев, Б. Ражабов.

В эти дни место действия итоговой проверки перемещается на войсковое стрельбище, директрису, автодром, по подчиненные старшего лейтенанта Муродова уверены в своих силах и полны решимости и здесь доказать, что они — настоящие профессионалы.

Подполковник Ярослав КОРУКА,
Восточный военный округ.
(Передано по факсу).

Метин ирода соҳиби

Полковник Аюб Погосян командирлик қилаётган ҳарбий қисмда якуний сипов машғулотлари қизғин тарзда ўтди. Жанговар, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ҳарбий хизматчилар, ниҳоят галвирини сувдан кўтариш пайти етиб келганда ўзларининг нималарга қодир эканликларини амалда кўрсатишди. Қисм штаби бошлиғи ўринбосари, тезкор бўлим бошлиғи капитан Абдуғафур Абдуллаев ана шу жараёнда энг яхши натижа кўрсатган ҳарбий офицерлардан бири бўлди. Капитан А. Абдуллаевнинг ўтган мавсумда ҳам аъло натижалар қайд этгани, қолаверса, бу сафар ҳам ўша илғорликни қўлдан бермаганини алоҳида қайд қилиб ўтса арзийди. Барча тайёргарликлардан якуний сипов натижаларини «4» ва «5» баҳоларга топширган Абдуға-

фур бу гал ҳам умумий натижага кўра «аъло» баҳога эришди.

— Бундай натижага, албатта, тинимсиз изланиш ва ўз устимда қатъий ишлаш туфайли эришдим, — дейди у биз билан суҳбатда. — Турникда 22 марта тортдим, 3 км.ни 12,10 секундда босиб ўтдим, 100 м.ни эса 13 секундда. Оммавий қиргин қуролларидан ҳимояланиш пайти фойдаланиладиган махсус либосни тўлиқ қондаси бўйича кўрсатилган вақтда қийиб-еча олишни фақат сиповларга тайёргарлик кўриш арафасида эмас, аввалдан машқ қилиб, тақорлаб юрган умун юзда яхши бажардим.

— Ҳеч қачон илғорликни бой берманг, — дедик метин иродали аълочи командирга самимий.

Лейтенант Ешии ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Айни кунларда давом этаётган якуний сипов машғулотларига оддий аскар Жамшид Нарзуллаев пухта ҳозирлик кўрганни тайёргарликнинг кўпгина турлари, айниқса жанговар тайёргарлик бўйича кўрсатган юқори натижалари билан исботламоқда.

Александр МРУЧАК
олган сурат.

ИСПЫТАНИЯ СПЛАЧИВАЮТ


Завершившаяся на днях в подразделении итоговая проверка за учебный год стала не только смотром боевой готовности, но и способствовала сплочиванию коллектива.

Особенно это проявилось в ходе марш-броска воинво-зетчиков на двенадцать километров. Ведь оценка ставилась всему дивизиону, поэтому на дистанции выкладывался до конца каждый — будь он солдатом срочной службы, военнослужащим по контракту или офицером.

Напряженная подготовительная работа в течение всего учебного года дала свои результаты — с дистанции никто не сошел, а норматив был выполнен на оценку «хорошо». Одним из первых на финише был командир подразделения связи младший сержант по контракту Ильхом Собиров — его подчиненные поддерживали почин командира, задавая высокий темп бега остальным.

Так было и во время сдачи остальных дисциплин, каждый болел за товарища, а дружеское соперничество вдохновляло на получение высоких оценок.

Младший сержант по контракту Хайриддин РАХИМОВ.



САФАРБАРЛИК ЧАҚИРУВИ РЕЗЕРВИДАГИ ХИЗМАТ

Ойлик йиғин таассуротлари

Жиззахдаги сафарбарлик чақирuvi резерви батальонидамиз. Унда капитан Лочин Назаркулов вақтинчалик командирлик вазифасини бажараяпти. Биз ойлик йиғин иштирокчиларига яратилган шарт-шаройлар билан, машғулотлар режалари билан танидик. Деярли бари рисоладагидек. Энди гап буни сафарбарлик резервидаги фуқаролар йиғини қатнашчилари қай даражада ўзлаштиришгадигани ва умуман йиғиндан қандай кўникмалар олишаётганини билишда қолди.

Илк суҳбатдошим йиғин қатнашчиси Шерзод Жабборов бўлди. У Жиззах давлат педагогика институтининг ҳоризий тиллар факультетини битирган. Аникроғи, инглиз тили бўйича мутахассис. Қобилиятли, иқтидорли бу йи-

ғини институтда олиб қилишди. У инглиз тили лексикаси ва услубиети кафедрасида ўқитувчилик қиларкан. Мана, институт ўқитувчиси бугун ўз бурчини ўтайпти. Ойлик йиғинда умумҳарбий тайёргарликдан сабоқлар ола-япти. Қолган гапни ўздан эшита қолайлик.

— Янги қонун асосида бундай хизмат тури жорий этилгани менга ўхшаганларга айни муддао бўлди. Бурчинини ҳам ўтайсан, сеvimли касбингни ҳам давом эттирасан. Четдан қараган одамга осон туюлиши мумкин. Аммо ҳар бир машғулотнинг ўзига ҳос машаққати, мурак-

қаб томонлари бор экан. Масалан, саф тайёргарлигини олайлик. Алоҳида-алоҳида бажарганда шахдам қадам ташлаб юриш рисоладагидек туюлади. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб бажарилганда хатоликларга йўл қўйилади. Вазодимиз командири лейтенант Азизбек Нўлдошев обдон тушунтиргани, аста-секин кўникма ҳосил қилдик. Баъзиларимизга ёқа тикиш, ўрнимизни тахлаб қўйиш ҳам бошида бир оз қийинчиликлар тугдирди. Кун тартиби, эрта-лабни уйғониш, кеңқурунги дам олиш вақтларига дарҳол кўника олмаганлар бўлди. Мана, ҳозирда ҳамма ҳарбийча ҳаётга сингишиб кет-

ди. Ўйлаб қарасам, буларнинг бари бизни янада тоблаб, янада тарбияларкан. Бундайин сабоқларни на бир институт, на бир университет беради. Ҳаёт мактаби бўлган армиядан олаямиз, уларни. Агар мендан бир ойлик йиғин ҳақидаги умумий таассуротлар ҳақида сўрашса, шундай деган бўлардим.

Ғап-сўзлари дадил-дадил бир йиғит эътиборини тортди. Вилсам, бу ойлик йиғин қатнашчиси тадбиркор экан. «Икром Норматов, Жиззах шахриданман», дея ўзини таништирди у. Икром армрестлинг спортига қизиқаркан. Вилоятда энди шакла-

наётган бу спорт турининг фаол тарғиботчиларидан экан. «Дам олиш кунлари турли спорт тадбирлари ўтказила-япти. Спорт шахарчаси, замонавий тренажерлар ихтиёримизда. Ҳатто спорт либослари ҳам беришяпти. Биз тўлаётган бадаллар ҳисобидан анча ишлар қилинаётганини кўрдим. Бу маблаглар Қуролли Кучларимизнинг янада шаклланиви, муддатли ҳарбий хизматнинг дифузи янада ортини йўлида сарфланаётгани мени беҳад қувонтирди. Йиғинда, қисқача бўлса-да, Қуролли Кучларимиздаги ислохотлардан огоҳ бўлдим», дейди Икром.

Хуллас, йиғиннинг муддати қисқа бўлса-да, сабоги бисёр бўлаётганини суҳбатлардан яна бир бор англадик.

Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ИРОҚДА ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШ КУЧЛАРИ КУРАТИРИЛАДИМИ?

БМТ Бош қотиби Кофи Аннан дунё мамлакатлари раҳбарларига мурожаат этиб, Ироқда қўшимча ҳарбий юрбишни сўради. У аввало БМТнинг Бағдоддаги ваколатхонасини қўриқлаётган ҳарбийлар соқини қўлга олишни зарур, деган фикрда.

АФАНДИ ЛАТИФАЛАРИ

Бир киши Афандидан сўради: — Отағиз қаншоқ биқичи бўлган, шекилли? — Ҳа, шунақа.

БРАЗИЛИЯ МАГАТЭ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ

Бразилия ҳукумати Атом энергетикаси бўйича ҳалқаро агентлик (МАГАТЭ) билан мамлакатда ядровий ишопларни назорат қилиш борисда келишувга эришганини маълум қилди.

АФАНДИ ЛАТИФАЛАРИ

Афанди: — Унингиз отағиз ним бўлган? — Меннинг отамми? Мени отам яхши тарбия қўрган олижаноб одам бўлган.

ИНТЕРНЕТ-МОЗАИКА

НАЙДЕНО БИБЛЕЙСКОЕ ДРЕВО ЖИЗНИ

Необыкновенное дерево, которому... 3,8 миллиона лет и которое не принадлежит ни к одному из известных видов, обнаружено в Ираке, сообщает немецкий еженедельник «Унглаублих сейт».

АФАНДИ ЛАТИФАЛАРИ

ЕЩЕ НЕ ПОЗДНО ПРИКУПИТЬ УЧАСТОК НА МАРСЕ!

С недавних пор Денис Хоуп открыл виртуальный магазинчик в Интернете, так что теперь любой желающий урвать кусочек Солнечной системы может заключить эту сделку без особых хлопот.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes programs like 'История любви', 'Истиклол нашо...', 'Муруват', 'Технология', 'Курсатудан-курсатув'.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes programs like 'Профилактика до 15.00', 'Технология', 'Курсатудан-курсатув'.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes programs like '«В «Городке»', 'Вести. Дежурная часть', 'Вести', 'Местное время. Вести - Москва'.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes programs like '«Сегодня утром»', '«Без следа»', '«Пропавшая невеста»'.

ЕЩЕ НЕ ПОЗДНО ПРИКУПИТЬ УЧАСТОК НА МАРСЕ!

С недавних пор Денис Хоуп открыл виртуальный магазинчик в Интернете, так что теперь любой желающий урвать кусочек Солнечной системы может заключить эту сделку без особых хлопот.

АФАНДИ ЛАТИФАЛАРИ

Бир киши Афандидан сўради: — Отағиз қаншоқ биқичи бўлган, шекилли? — Ҳа, шунақа.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мана, ўша тарихий кун — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кундан бизни 15 йиллик вақт ажратиб турибди. Бу муддат ичида кўп ишлар амалга оширилди. Айниқса, мустақилликка эришганимиздан сўнг. Булар ҳақида узундан-узун тўхталиш мумкин. Аммо айнан миллий армиямизда бу борда қилинган ишлар, ўзгаришлардан қисқача сўз очмоқчимиз. Очиги, буйруқлар ўзбекчаланштирилиб, ҳаётга татбиқ этила бошлаганда, баъзиларга эриш туюлганди. Мана, бугунга келиб «текин-

Онам алла айтган забонсан

лаш», «ростлаш», «эркин» каби буйруқлар ҳарбийлар ҳаётига сингиб кетди. Ҳатто бундай буйруқлар ўз тилимида янграганда қулоққа янада жарангдор эшитилади. Ҳарбий жамоаларда иш юритиш, турли ҳужжатлар тайёрлаш давлат тилида олиб борилмоқда. Ҳатто ёзувларнинг, кўргазмалар воситаларнинг айримлари лотин алифбосидаги ўзбек тилида тайёрланаёпти. Мудофаа вазирлигининг буйруқлари, директивалари ўз она тилимида

тайёрланмоқда. Яқинда Самарқанддаги сержантлар тайёрлаш мактабида бўлганимизда тактика фани ўқитувчиси капитан Нурилло Давронов соҳаси бўйича ўзбек тилида тайёрланган, она тилимига ўғирилган услубий қўлланма, адабиётларни кўрсатди. Бир сизра кўз югуртирдим, бинийидек. «Бўларкан-ку» деб юборибман баралла. Ҳарбий ата-малар тилимида жарангламасмиш. Жаранглаш, янграш шунчалар булар-да. Ҳа, кейинги йилларда ўзбек ти-

лида кўп-кўра ҳарбий адабиётлар, қўлланмалар тайёрланмоқда. Маълумки, ҳарбий ҳаётда сув ва ҳаводек зарур бўлган Умумҳарбий низоомлар ўзбек тилида тайёрланиб, татбиқ этиб келинмоқда.

Ютуқлар ҳақида гапириверишимиз мумкин. Бироқ, пиروардида ҳаётимизда тилимиз меъёрлари бузилаётгани билан боғлиқ айрим ҳолатларга тўхталмоқчиман. Бу кўпроқ рекламаларга тааллуфли. Бошқа тиллардан сўз-

ма-сўз, кўр-кўрона қилинган таржима асабга тегади. «Дав — бу совун эмас», «Палмалив — порлоқ сочлар учун!» ... Буларни давом эттириверишимиз мумкин. Еми, метрларда берилётган дори-дармон билан боғлиқ рекламаларнинг аксарияти фақат рус тилида. Нима, ўзбек тилида тайёрланса, айрим кимсаларнинг таъбири билан айтилганда, жарангламайди? Ахир онамиз алла айтган забонга эътиборли бўлиш, янада сайқаллаштириш ўз қўлимизда.

Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛЯ ВСЕХ И КАЖДОГО

● ТАРИХИМИЗНИ УРГАНАМИЗ

ВОСИФИЙ

Асл исми Зайниддин Маҳмуд ибн Абдулжамил бўлган Восифий (тахаллуси) 1485 (ёки 1486) йилда Ҳиротда, Музший оиласида таваллуд топган. Ҳиротда Шохрух мадрасасида 1511 йилгача таҳсил олган. 16 ёшида Алишер Навоий билан танишган. Восифий иккунинчи фаолиятини 12—13 ёшларидаёқ бошлаган. Сўнгра Навоийнинг адабий мактабида иккунинчи фаолиятини давом эттирган. Восифий насрининг кўпгина турларида (мақтуб, ариза, ҳикоят каби) бадний, сажъ услубида яхши ижод қилган. Ранг-баранг ташбеҳлар ишлатишдаги, айниқса муаммо санъатидаги маҳоратига Алишер Навоий юқори баҳо берган.

Восифий Ҳусайн Бойқаронинг ўгли Фаридуи Ҳусайнга котиблик, бошқа ўғилларига муаллимлик қилган.

Адиб Шох Исмоил таъқибидан қочиб Мовароуннаҳрга кетган. 1512—1515 йилларда Самарқанд, Бухорода яшаб, ижод қилган. Сўнгра Фаркат (ҳозирги Паркент) Тошкент ва Шаҳрисабзга сайҳат қилган.

1517 йилда Келди Муҳаммадхон (Султон Муҳаммад) томонидан Шохрухияга қаҳририлган. 1525 йилдан умрининг сўнгги йилларигача Тошкентда яшаган.

1528—1529 йилларда Восифий Султон Муҳаммад хоннинг Хуросонга юришларида қатнашган. 1540 йилдан эса Бароқхон саройида давлат ҳужжатларида бўлиб, давлат ҳужжатларини тузган.

Восифийнинг бизгача етиб келган, бир қанча шеърини ва насрий асарларини ўз ичига олган «Бадоеъ-ул-вақоеъ» («Нодир воқеалар», 1 қисм 1517—1518 йил; 2 қисм 1539 йил) китобида Хуросон, Мовароуннаҳр, Туркистон ва Эрондаги 1532 йилгача бўлган даврдаги илмий, адабий, тарихий ва маданий ҳаёт акс эттирилган. Ибн Сино, Ҳоми, Алишер Навоий, шунингдек, Қосим али Қонуний, Чақар, Чангий, Устод Ҳасан Удий, Ҳофиз Басир, Устод Шайх Нойи каби ўз замонасининг таниқли мусиқашунослари, давлат арбоблари ҳақида ҳам муҳим

маълумотлар баён қилинган. Бу китоб Урта Осиё халқлари тарихи ва маданиятидан хабар берувчи муҳим манба ҳисобланади. Мазкур асарда Тошкент ва унинг вилоятидаги сийсий воқеалар, адабий муҳит, хусусан унда шоирлар, адиблар тўпланишиб мушоиралар ўтказган Қайковуч чорбоғи ҳақида қизиқарли воқеалар келтирилган. Чорбоғ шаҳар қўрғонидан ташқарида бўлиб, Восифий у ерда хон ва султонлар учун шифохона бўлганлигини ҳам ёзган. Тошкент ва унинг атрофида яшаб ижод этган рассомлар, ҳаттолар ва бошқа машҳур кинчилар ҳақида, вилоят ҳудудида фойдаланиб турилган темир ва феруза қонлари тўғрисида маълумотлар берилган.

«Бадоеъ-ул-вақоеъ»нинг 83 байтдан иборат маснавийсида Тошкентнинг гузаллиги боғ-роғлари, ҳаво-си ва зилол сувлари мадҳ этилган.

Зайниддин Маҳмуд ибн Абдулжамил — Восифий 1561 ёки 1566 йилда Тошкентда вафот этган ва имом Қафқол Шомий мақбарасига қиравернида дафн этилган.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясидан фойдаланилди.

Ўзбек хонадонининг япон келинчаги

«Япон қизига уйланаман!» Азаматнинг бу гапини эшитган Сайёра опа ҳалғу манг бўлиб қолди. Ўғдининг ҳазиллашмаётгани, аҳди қатъийлигини билгач, кўзига ёш олди:

— Тўйдан гап очсам, нуқул «қўришимни тугатай», дедим. Тошкентда ўқидим, Туркияда ўқидим, эди Японияда ўқийсан. Ахир, ёшининг бир жойга бериб қолди. Мен қаторилар аллақачон неварани кўрган. Менинг ҳам орзуларим бор. Келин қиламан деб, сеп йилданмига неча йил бўлди. Энди келиб-келиб, дуненинг нариги бурчагидан келин қиламанми?! Япониянинг урф-одатини билмасам, тилини тушунмасам...


Азамат индамай нариги хонага кириб кетди. Аёл эри Ҳамроқул акага дардини тўкиб олди. «Жанжал»га ота аралашди. Ўглини қақирди.

— Нацукога уйланмасам, дунедан тоқ ўтаман, дадажон! — деди Азамат.

...Шу оқшом Япония пойтахти — Токио шаҳрида, журналист Рехей Кодама хонадонига ҳам шу тахлитдаги гап-сўзлар бўлаётган эди. Нацукони ҳам ота-онаси аҳдидан қайтариш учун анча қийин-қистовга олди. Азамат билан Токиодаги Халқаро университетнинг маъмурий бошқарув факультети магистратурасида ўқиш жараёнида танишиб, ўзбек йигитига кўнгил берган Нацуко ҳам гапда туриб олди: «Азаматга турмушга чиқмасам, дунедан тоқ ўтаман!»

Шундай қилиб, бир кун Азамат Нацукони етаклаб кириб келди. Сайёра опани кўрган захоти Нацуко шарқона таъзим бажо қилди.

— Айланиб кетай, таъзим қилишлари худди ўзимизга ўхшайди-а! — деганини билмай қолди она.



Сайёра опанинг кўнгилдаги гапнинг бир зумда тарқаб, Нацукони меҳр билан бағрига босди. Бу розилик аломати эди.

Япон келинини кўрган кўшиқчилар чинди, қариндош-уруғлар йигиди. Барча Азамат ва Нацуконинг бир-бирига меҳрибонлигини, айниқса, бўлажак келиннинг шарқона илтифотини кўриб ҳайратга тушди.

Хуллас, шу йилнинг 11 октябрь кунини икки ёш Бухороини шарифда никоҳдан ўтди.

Тўйда келиннинг ота-онаси, қариндошлари, дўгоналари, кўеининг ёру биродарларига қўшилиб гоҳ японча, гоҳ ўзбекча рақсга тўйди, япончаё ўзбекча куй-қўшиқлар, табриқлар янгрди. Ўзбек ўғлини муҳаббат — рингаларини олис Кунчиқар мамлакатининг гўзал бир қизи билан умрбод боғлади.

Бугун Сайёра опа хурсанд: — Буларнинг ҳаммаси мустақиллигимиз шарофатидан, ўргилай! — дейди у. — Мустақил бўлмаганимизда ўғлим Туркияда ўқирмиди, Японияга борармиди! Уйимга Нацукодай чиройли япон қизи келин бўлиб келармиди! Шу кунларга етказганига шукур.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

● ТЕСТ

Что важнее: семья или работа?

Не только мужчины, но и многие женщины подчиняют жизнь работе. Порой она заслоняет собой и любимого человека, и дом. Для вас предпочтительнее семья или карьера?

1. Вы работаете, но вдруг звонит любимый и предлагает встретиться. Ваша реакция:

- а) «Попозже, солнышко!» (2 балла);
- б) «Иду, любовь моя!» (1 балл);
- в) «Не отвлекай меня ерундой!» (3 балла).

2. Деловые люди, как правило, стараются одеваться скромно. А что вы предпочитаете?

- а) вещи, которые могут удивить окружающих (1 балл);
- б) одежду, подчеркивающую достоинства моей фигуры (2 балла);
- в) вещи неброские, но дорогие (3 балла).

3. Как вы прокомментируете фразу: «Друзья — это великопленно!»?

- а) через них я все достаю, продаю, подписываю (3 балла);
- б) друзья помогают мне в трудную минуту (2 балла);
- в) это для меня все: с ними советуюсь, всегда прихожу на помощь (1 балл).

4. Личная жизнь есть у всех, даже у тех, кто занят. Какое значение вы придаете ей?

- а) работа для меня на последнем месте (1 балл);




б) я люблю мужа, детей, но и дело забывать нельзя (2 балла);

в) всю жизнь провести на кухне — никогда! Мое призвание — работа, там мое место (3 балла).

ОТВЕТЫ:

0—6 БАЛЛОВ. Вам удастся быть успешной во всем. Близким с вами хорошо: вы заботливы, внимательны, но не пускаете на самотек дела. Работа не поглотила вас целиком и не стала самоцелью. Продолжайте делать карьеру, но не забывайте и о тех, кто вас любит.

7—12 БАЛЛОВ. Человека подобных деловых качеств надо поискать. Всю жизнь вы отдаёте работе и видите в ней смысл жизни. Но не пора ли остановиться? Может наступить минута, когда вы окажетесь совсем одна. Ведь о своих близких вы не думаете, а друзей цените только как деловых партнеров.



Знаете ли вы, что...

Обычная колода игральных карт обладает собственным языком. Их количество в колоде — 52 — соответствует количеству недель в году. Четыре масти изображают четыре времени года, а тринадцать карт одной масти — тринадцать недель, приходящихся на каждый сезон. Идущие за десяткой фигуры соответствуют числам 11, 12, 13, и при сложении с предыдущими картами получается сумма 91, равная числу дней в четверти года. Ну, а если сложить сумму показателей всех четырех мастей, то получится 364, то есть количество дней в году без одного или двух. Вот такая интересная взаимосвязь существует между колодой карт и календарем.

Подготовил
Николай ЧУРСИНОВ.

ЭНГ БАЛАНД КАКТУС

Ҳиндистоннинг Дхарвад шаҳрида ер юзидаги энг баланд кактус ўсимлиги мавжуд. Бу улкан ўсимлиқнинг эгаси 1990 йилда уш кўргазмадан сотиб олганди. Шу пайтда унинг бўйи 10 сантиметрдан иборат эди.

Касби механик бўлган хинд ўсимлиқни парваришига деярли эътибор бермаган. Бироқ кактус дастлаб 12 метргача ўсиб, миллий рекордди қайд этган. Сўнгра у 22 метргача ўсиб, Гиннесснинг рекордлар китобига киритилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 19 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хори-

жий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 АҚШ доллари	1044.01
1 евро	1302.82

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

● ПРОФЕССИОНАЛ БОКС

Тимур Иброҳимов — чемпион

Профессионал боксда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ҳамюртимиз Тимур Иброҳимов дастлабки совринини қўлга киритди.

АҚШнинг Флорида штатидаги Бойтон-Бич шаҳрида жойлашган спорт мажмуида профессионал бокс бўйича ўтказилган турнир доирасидаги жангда ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси мезбонлар вакили Шон Робинсон билан куч сынашди.

Ушбу жанг ВВС Фекарбокс чемпионлик камари учун ўтказилгани боис 12 раунд давом этиши лозим эди. Гарчи Шон Робинсон Тимур Иброҳимовга нисбатан профессионал боксда икки баробар кўп — ўттизта жанг ўтказган бўлса-да, рингда ўзбекистонлик боксчи рақибидан маҳорат бобида анча устулингини намойиш қилди.

Ҳамюртимизга ВВС Фекарбокс чемпионлик камарини қўлга киритиши учун бир раунд кифоя қилди. Беллашувда Тимурнинг кучли ва аниқ зарбасини ўтказиб юборган Шон Робинсон нокаутга учради. Учрашувни бошқарган рефери жанг ўзбекистонлик боксчи фойдасига ҳал бўлганини билдириб, чемпионлик камарини Тимур Иброҳимовга топширди.

Эслатиб ўтамиз, Тимур Иброҳимов профессионал рингда енгилмас боксчилардан ҳисобланади. У ўн олтига жангдан ўн бештасида ғалаба қозонган, битта учрашувда дуранг қайд этилган. Ҳозир ҳамюртимиз дунё рейтингини 84-ўринда бормоқда.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ, ЎзА мухбири.

● ШАХМАТ

Олимпиада муваффақиятли давом этмоқда

14 октябрь кuni Испаниянинг Кальвия шаҳрида шахмат бўйича бошланган XXXVI жаҳон шахмат олимпиадаси қизгин давом этмоқда. Эриаклар ўртасидаги баҳсларда 129 давлат терма жамоаси иштирок этаётган бўлса, аёллар баҳсида саксон етти мамлакат бакиллари ғолиблик учун дона сураётир.

Дастлабки икки турда жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов мусобақада иштирок этмаган бўлса-да, баҳслар эриаклар жамоаси учун омадли кечмоқда.

Марокаш терма жамоасига қарши кечган учинчи турда Рустам Қосимжонов, Сайдали Йўлдошев, Тимур Гареев ўз рақибларини енган бўлса, Антон Филипов дурангга рози бўлди. Ўзбекистон — Марокаш 3,5:0,5. Бешинчи тур якуларига

кўра, бешта учрашувдан тўрттасида ғолиб чиқиб, 13 очко жамгарган терма жамоамиз 129 мамлакат орасида ўн еттинчи погонани эгаллаб турибди.

Аёллар баҳсида иштирок этаётган шахматчиларимиз ҳам олимпиадани ғалаба билан бошлаган эди. Ольга Собирова, Анжела Хегай, Ирода ва Юлдуз Ҳамроқуллова Фижи ҳамда Ирландия терма жамоалари устидан 3:0 ҳисобида муваффақият қозонди. Греция билан 1,5:1,5 ҳисобида дуранг ўйнади. Бирок Қозоғистон (0:3) ва Словакияга (0,5:2,5) қарши баҳсларда имкониятни бой берди. Ҳозирча, аёллар терма жамоаси саксон етти мамлакат ўртасида ўттиз еттинчи ўринда бормоқда.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

● ТЕЛЕАНОНС

«ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН»

31 октябрь кuni соат 10.00 да Ўзбекистон телевидениесининг биринчи дастури орқали ҳарбий студия томонидан тайёрланган «Ватанимга хизмат қиламан» кўрсатувининг навбатдаги сони эфирга узатилади.

Кўрсатув Қуролли Кучларимизда бўлиб ўтган якуний синов машғулотларнинг иккинчи босқичига бағишланади.

Шунингдек, телетомошабинларнинг мактублари асосида тайёрланган «Ҳарбий почта» каби ҳар доимги телелавҳа намойиш этилади.

Кўрсатувнинг такрорий намойиши сешанба 2 ноябрь кuni соат 16.00 да эфирга узатилади.


Ўз мухбиримиз.

ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД. ОПУБЛИКОВАННЫ В № 123

ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 1. Калигула. 3. Пенюлен. 9. НЛО. 10. Роза. 11. Опал. 12. Пенсионер. 15. Угиль. 18. Скетч. 19. Полдник. 21. Диптанг. 22. Человек. 25. Апокриф. 26. Чилим. 27. Идеал. 31. Проектор. 35. Трап. 36. Веки. 37. Ухо. 38. Офицант. 39. Кислород.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Каракуль. 2. Луза. 3. Успех. 4. Анис. 5. Поло. 6. Навес. 7. Лапа. 8. Наладчик. 13. Аллопатия. 14. Скандорды. 16. Клаксон. 17. Янычары. 19. Праща. 20. Калиф. 23. Отчество. 24. Мильнад. 28. Среда. 29. Лотос. 30. Сарн. 32. Жгут. 33. Клок. 34. Кедр.

КРОССВОРД



ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 1. Самая высокая гора в Западной Европе. 4. Титул монарха в некоторых странах Ближнего и Среднего Востока. 10. Шерсть овец. 11. Республика в верховьях Енисея. 12. ... Дали. 15. Индийский писатель, автор романа «Гора». 18. Французский физик, придумавший крутильные весы. 19. Истопник при паровом котле. 20. Животное, питающееся одним видом корма. 21. Языковое преобразование, дубляж. 25. Старый конь ее не портит (посл.). 26. Время для развлечения. 27. Научное питание. 31. Область в Испании. 33. Дунай устами эллинов. 34. Инъекция. 35. «Произведение» парикмахера. 36. Она требует жертв.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 2. Свободное время между парами. 3. Смола, от которой черти бегают. 5. Дьявол, сатана. 6. Полный порядок. 7. Вся его душа — нараспашку. 8. Мужчина, танцующий с дамой. 9. Дама с темнорусыми волосами. 13. Российский бард. 14. Песня лесной гадальки. 16. Обрусевший презент. 17. Крупное поместье в Бразилии. 22. Какой король приблизил к себе Джулио Мазарини? 23. Един и неделим. 24. Утвержденная закономерность. 28. Место для верховой езды. 29. Прибалтийская страна. 30. Ушной недуг. 32. Пологий спуск.

Составила З. ИСАКОВА.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН. Придется уравнивать некоторые черты характера, чтобы не повторить ошибок ближайшего прошлого. Возможно, произойдет кардинальная смена жизненных установок. Можете оказаться в сложном положении, когда партнеры предъявят необоснованные претензии. В выходные отдохнуть от проблем удастся только дома.

ТЕЛЕЦ. Ожидает некая вершина, к которой шли долгим и трудным путем. Не пропустите знак, указывающий направление движения. Станет виден истинный уровень достижений в самых различных сферах. Не разменивайтесь по мелочам. Благоприятны дни для начала самосовершенствования и преобразования. Не потеряйте контроль над происходящими событиями.

БЛИЗНЕЦЫ. Сможете подвести итог в какой-то из областей своей деятельности. Судьба подарит некий шанс, может быть — это окажется новая работа или возможность поменять место жительства. Приобретете что-то ценное для себя. Изменение имиджа позволит показать себя окружающим с выигрышной стороны. Будьте осторожны с новостями. Постарай-

тесь уделить больше времени для себя.

РАК. Многие будут зависеть от ваших решений и инициативы. Говорите исключительно кратко. Придется бороться с унынием, подумайте о чем-нибудь хорошем — почувствуете улучшение. Прежде чем что-либо предпринимать, заручитесь поддержкой близких людей.

ЛЕВ. Определите приоритетные задачи, и достигните желаемой цели. Не перестарайтесь в борьбе с эмоциями. Удачное решение проблемы позволит испытать гордость за собственную персону, принесет улучшение материального благополучия. Придется защищать интересы семьи, не переходите границ дозволенного.

ДЕВА. Могут сложиться благоприятные условия для проявления лучших качеств и черт характера. Легко достигните прогнозируемых результатов. Можете обратиться к началу с просьбами и пожеланиями. Ждите новостей от близких людей. В выходные поиски приключений увенчаются успехом.

ВЕСЫ. Неделя хороша для творчества в любых его проявлениях. Сможете изменить мир вок-

руг себя. Практичное применение своему таланту найдут те, кто займется ремонтом жилья. Задумайтесь о том, что делать с тем положением которого достигли. Вы поймете, что используете далеко не все свои возможности.

СКОРПИОН. Придется принимать активное участие в делах других людей. Обретете новых друзей. Больше действуйте. Вынашивая планы, не афишируйте их. Будьте внимательны к ответственным действиям, это касается подписания бумаг и договоров. Обретете единомышленников или союзников. Окажетесь в центре внимания.

СТРЕЛЕЦ. Хорошая неделя для невероятных планов и идей. Не стоит громко провозглашать истинные намерения. Не стоит выслушивать пустые разговоры. Можете не успеть разобраться с накопившимися делами. Во взаимоотношениях с коллегами может возникнуть некоторое напряжение. Отложите все домашние дела и проблемы, позвольте себе наслаждение отдыхом. Не отказывайтесь от приглашения, поступившего от друзей.

КОЗЕРОГ. На этой неделе ваша деятельность станет заметно ин-

тенсивнее. Займетесь разработкой новой стратегии для покорения очередной вершины. Возникнет вопрос о переходе на новую перспективную работу. Увеличится творческий потенциал и работоспособность, что позволит справиться с задачей любой сложности. Могут появиться новые друзья.

ВОДОЛЕИ. Необходимо соблюдать четкую последовательность в действиях. Вы должны быть открыты для новых предложений, и они начнут поступать в нарастающем темпе. Все вокруг будет нести полезную и весьма нужную информацию. Окажутся удачными деловые поездки и переговоры. Не подписывайте никаких бумаг без крайней необходимости. Проверьте каждую букву и цифру в буквальном смысле.

РЫБЫ. Составьте и упорядочьте план действий. Окрепнет воля, станет легче настаивать на своем. Лишние дела решительно отложите, это пригодится в личной жизни и на работе с коллегами. Будьте внимательны к поступающей информации. Возможны небольшие неприятности в семейных делах. Уединенный образ жизни в выходные пойдет на пользу.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмуҳаммад
АБДУКАРИМОВ

Газета сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.
АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Обуна бўлими — 56-03-46.
Маълумот, реклама — 56-54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.
Таҳририят манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Реклама ва эълонларнинг ҳаққонийлиги учун реклама берувчи жавобгар ҳисобланади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.
«Ватанпарвар» газетаси босмаҳонасида чоп этилди.